



Ўзбекистонда GLOBALG.A.P. стандартларини жорий этишнинг истикболлари



Илмий-оммабоп рисола.

Тузувчилар: А.Ш. Азизов, Ш.Э. Умидов, Б.А. Абдусатторов

Тақризчилар: У.И.Акромов – академик М.М. Мирзаев номидаги БУВИТИ илмий котиби, қ-х.ф.н.

А.Ж.Чориев – Тошкент кимё-технология институти “Озиқ – овқат хавфсизлиги” кафедраси мудири, т.ф.н.



Мазкур қўлланма АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Маҳсулот мазмуни бўйича масъулият муаллифларга юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Мазкур рисола Тошкент давлат аграр университети Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети ўқув-методик комиссияси кўриб чиқилди ва чоп этишга (№3 – сонли баённома, 2017 йил 17 ноябр) тавсия берилди.

Мундарижа

Кириш	4
1. GLOBALG.A.P. – стандартларининг моҳияти ва аҳамияти....	7
2. GLOBALG.A.P. сертификатини олиш ва тасдиқлаш босқичлари.....	9
2.1 Меъёрий хужжатлар.....	9
2.2 Сертификатлаштириш турлари ва уларнинг қамраб олиш доираси.	10
2.3 Рўйхатдан ўтказиш жараёни.....	14
2.4 Баҳолаш жараёни.....	17
2.5 Сертификатлаштириш жараёни.....	21
2.6. GLOBALG.A.P. сертификатини тасдиқлаш.....	24
3. GLOBALG.A.P. стандартлари бўйича сертификатлаштиришда асос бўлувчи базавий модуллар.....	25
3.1. Қишлоқ хўжалиги амалиётида стандарт чора тадбирларни таъминлашда назорат нуқталари ва мувофиқлик мезонлари	
3.2. Ўсимликшунослик базавий модули (СВ) ва унинг таркибий қисмлари.....	26
3.3. Мева-сабзвотлар модули (FV)	34
4. Ўзбекистонда GLOBALG.A.P. стандартларини жорий этиш босқичлари ва истиқболлари.....	51
Фойдаланилган адабиётлар.....	

КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув даврида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга изчил тадбиқ этишининг мустаҳкам ташкилий-хукуқий асослари яратилгани фуқароларнинг соғлом ҳамда фаровон ҳаёт кечиришини кафолатлашда муҳим омил бўляпти.

Юртимизда озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати жадал ривожланмоқда. Агросаноатни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора ортиб бораяпти.

Аҳолини йил давомида мева-сабзавотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида замонавий андозалар асосида иссиқхоналар бунёд этиш, боғлар, токзорлар майдонини кенгайтириш, етиштирилган ҳосилни куз-қиши даврида сифатли сақлаш имконини берадиган омборхоналар барпо этиш саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида эътибордаки, бу озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотининг барқарорлигига, бошқача айтганда, аҳоли дастурхони фаровонлигига хизмат қилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили 16-20 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келади. Бу халқаро нормаларга кўра мақбул, деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Республикамида кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, жумладан сақлаш ва қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш бўйича Республика Хукумати томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” нинг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўлимида аниқ вазифалар белгиланди.

Ушбу вазифаларнинг замирида халқаро талабларга мос ва


рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш орқали халқ форовонлигини ошириш ётади. Аммо халқаро бозорга чиқиш учун маҳсулотни етиштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Уларни халқаро талабларга мос бўлиши муҳим ўрин тутади. Шу сабабли халқаро сертификатларга эга бўлиш маҳсулот экспорти учун “виза” вазифасини ўтаб беради. GLOBALGAP – стандартлари дунё бўйича тан олинган ва халқаро савдода қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун энг кўп кўлланилаётган стандартлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунёning 124 та мамлакатидаги 170000 дан ортиқ ишлаб чиқарувчилар мазкур сертификат бўйича сертификатланган.




1-расм. GLOBALGAP сертификатига эга бўлган корхоналарнинг дунё бўйича ўсиб бориш динамикаси

Биз мазкур рисолада GLOBALGAP стандартларининг моҳияти, аҳамияти ва жорий этиш тартиби ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Дунё бўйича сертификатлаштирилган экин майдони, га



Дунё бўйича сертификатлаштирилган экин майдони, га



1. GLOBALGAP – СТАНДАРТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган “Стандарт” G.A.P. - Good Agricultural Practices (мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти) ҳам фойдаланилади.

GLOBALG.A.P. – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экиш вақтидан то маҳсулотларни йиғиб олишгacha бўлган, агар чорвачиликда бўлса ишлаб чиқаришга киришиш вақтидан оралиқ маҳсулот ҳолатига келгунча (боқиш ва сўйиш) бўлган даврда барча ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олган меъёрий хужжатдир.

Ушбу хужжатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарининг амалиётига тегишли умумий тамойиллар баён қилинган бўлиб, бутун жаҳонда етакчи савдо компаниялари учун мувофик бўлган, глобал миқёсдаги ўсимликшунослик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг оптимал усулларини жорий этишнинг асосий элементлари белгиланган.

G.A.P. бу етиштирилаётган маҳсулот хавфсизлигини ошириш ва сифатини яхшилашга ёрдам берувчи тавсиялар жамламасидан иборатдир. Бу стандартда ихтиёрий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимларига кўллаш ва мослаштириш мумкин бўлган раҳбарий кўрсатмалар берилган.

G.A.P. қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнининг дастлабки тўртта компоненти яъни, тупроқ, сув, ходим, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш муҳитига эътибор қаратади. Бу стандарт ISO 9001 стандарти билан тўғридан-тўғри алоқада эмас, аммо, муқобил тамойилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифат тизимини яратишга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарда ўз бизнесида озиқ-овқат хавфсизлигига билан боғлиқ таҳдидларни минимум даражага тушириш учун, савдо тармоқларида қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича янги стандарт ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Шу тариқа юзага келган стандарт ЕуроГАР: (Euro-RetailerProduceWorkingGroup) – озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси масалалари бўйича европа ишчи гуруҳи ва GAP (Good Agricultural Practice) - Қишлоқ хўжалигини яхшилаш амалиёти номини олди.

GLOBALG.A.P. стандарти EUREPGAP (бутун жаҳон бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига стандартлар, сертификатлаштиришга талабларни ўрнатувчи хусусий идора) томонидан чоп этилади.

Ушбу стандартнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнининг барча жабҳаларини кузатиш орқали уларни етиштириш даврида сифатига салбий таъсир этувчи омиллар ва хавф-хатарлар даражасини минималлаштиришдан иборатdir.

GLOBALG.A.P. сертификати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни интеграцияланган бошқарув тизими (IFA) GLOBALGAP ни, Озиқ-овқат хавфсизлиги (масалан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги”) ни жорий қилишга талабгор ва/ёки омикхта ем ишлаб чиқарувчи субъектларга берилади.

2. GLOBALG.A.P. СЕРТИФИКАТИНИ ОЛИШ ВА ТАСДИҚЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Меъёрий ҳужжатлар

GLOBALG.A.P. сертификатини тасдиқлаш олиш ва тасдиқлаш учун бирқанча талаблар бажарилиши шарт. Мазкур жараёнда энг биринчи босқич меъёрий ҳужжатларнинг таъминланганлигидир. Мазкур стандартлар бўйича сертификатлаштириш жараёнида асосан қуидаги меъёрий ҳужжатлар бўлиши талаб этилади:

- GLOBALG.A.P. нинг сертификатлаштириш ва сублицензиялаш бўйича розилиги (Сертификатлаштириш органи – Ишлаб чиқарувчи ўртасида);
- GLOBALG.A.P.нинг сертификатлашириш ва лицензиялаш бўйича розилиги (Сертификатлаштириш органи ва GLOBALG.A.P./FoodPLUS GmbH ўртасида);
- Назорат рўйхатлари;
- GLOBALG.A.P. – Назорат нуқталари ва мувофиқлик кўрсаткичлари;
- СМТ (Сифат менежменти тизими)га талаблар (СМТ групҳи, бир неча ишлаб чиқарувчи худудларнинг СМТ)

Агарда назорат нуқталари ва мувофиқлик кўрсаткичларида кўрсатилмаган, аммо унга илова қилинган бошқарув тамойилларини ўзида мужассам этган у ёки бу ҳужжатда кўрсатилган талаблар тўлиқ ёки қисман бажарилиши шар ҳисобланади. Бу ҳужжатларнинг номланишига қараб ҳам уларнинг бажарилиши шарт эканлиги ҳақида холоса қилиш мумкин. Назорат нуқталари ва мувофиқлик кўрсаткичларида илова қилинадиган бошқарув тамойиллари меъёрий ҳужжат ҳисобланмайди ва ишлаб чиқарувчиларга қўйиладиган талабларнинг бажарилишини кузатиш бўйича йўриқнома вазифасини ўтайди.

Бошқарув тамойилларида тегишли мамлакатда мавжуд бўлган ишлаб чиқаришда назорат нуқталари ва мувофиқлик кўрсаткичлари талабларига риоя

қилишга мослашиш учун тушунтиришлар берилади. Бу тамойиллар тасдиқланиб, эълон қилингандан кейингина бажариш учун мажбурий ҳисобланади.

Сертификацияниш органлари меъёрий хужжатлардаги ўзгаришлар билан доимий равишда хабардор бўлиб туришлари шарт ҳисобланади.

2.2. Сертификатлаштириш турлари ва уларнинг қамраб олиш доираси

GLOBALG.A.P. стандарти бўйича сертификатлаштирилиши учун исталган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширувчи ишлабчиқарувчилар ариза топширишлари мумкин. Мазкур сертификатлаштириш доирасида “ишлаб чиқарувчи(лар)” деганда ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотларга ва ишлаб чиқариш жараёнига хуқуқий жавобгар бўлган (хусусий) шахс ёки корхона (компаниялар, алоҳида ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг гурухи) тушунилади.

Ишлаб чиқарувчилар сертификатлаширишнинг 2 та вариантидан бирини танлаш хуқуқига эга. Бу вариант ишлаб чиқарувчи томонидан ариза тўлдирилган бланкада кўрсатилган бўлади.

1-вариант. Индивидуал сертификатлаштириш. Мазкур сертификатлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Якка ишлаб чиқарувчи (GLOBALG.A.P. ёки эквивалент схема бўйича) сертификатлаштириш бўйича ариза топширади. Сертификатлаштириш якунида якка ишлаб чиқарувчи сертификат эгасига айланади.

1-вариант. СМТ жорий этилмаган бир неча объектларни сертификатлаштириш. Бунда алоҳида ишлаб чиқарувчи ёки битта ташкилот мустақил юридик шахс бўлмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари объектларига эгалик қиласи.

1-вариант. СМТ ни жорий этилган бир неча объектларни сертификатлаштириш. Бунда алоҳида ишлаб чиқарувчи ёки битта ташкилот

мустақил юридик шахс бўлмаган, аммо СМТ (Сифат менежменти тизими) жорий этилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари объектларига эгалик қиласди.

2-вариант.

Бунда ишлаб чиқарувчилар гурухи (GLOBALG.A.P. ёки эквивалент схема бўйича) сертификатлаштириш бўйича гуруҳ номидан ариза топширади. Сертификатлаштириш якунида ишлаб чиқарувчилар гурухи бирлашган юридик шахс сифатида сертификат эгасига айланишади.

Сертификатлаштиришни амалга оширишда ишлаб чиқариш худудини аниқлаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш худуди кўпинча яхлит майдонда жойлашган бўлади, айрим ҳолларда эса бир-биридан ҳар хил масофаларда бўлган турли худудларда ҳам жойлашган бўлади. Бундай ҳолатларда ҳарбир худуд харитада ўлчами бўйича аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш худудига қўйиладиган талаблар. Ишлаб чиқариш худуди юридик шахс томонида шахсий, хусусий ёки ижарага олинган бўлиб, бевосита унинг назоратида бўлиши керак. Агар юридик шахс ер эгаси бўлмаса, ишлаб чиқариш давомида ер эгаси томонидан ижарага олинган ер бўйича ҳеч қандай қарор қабул қиласлик, жараёнга ҳар қандай йўл билан аралашмаслик хақида имзо чекилган хужжат бўлиши шарт.

Сертификат эгаси барча рўйхатга олинган маҳсулот бўйича, шу жумладан, бозорга чиқкан маҳсулот бўйича ҳам ҳуқуқий жавобгар ҳисобланади.

Назорат нуқталари ва мувофиқлик кўрсаткичлари бир неча модулларга бўлинади.


Қамраб олиш соҳалари бўйича: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари базаси; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари базаси; чорвачилик базаси; сув ва денгиз маҳсулотлари базаси.

Бундан ташқари аниқ ишлаб чиқариш соҳаси бўйича, маҳсулот турларининг таснифи бўйича подмодулларга бўлинади.



Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича стандартлар (FSS) фақагина IFA сериясидаги стандартларининг истеъмол маҳсулотлари хавфсизлиги қисмидаги элементларни ўз ичига олади (масалан, Хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш стандарти(PSS) истеъмол маҳсулотлари хавфсизлигининг мева ва сабзавотлар каби қисмини ўз ичига олади).

GLOBALG.A.P. бўйича сертификатлаштиришда ишлаб чиқарувчилар билан барча жиҳатларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Мазкур сертификатлаштиришда параллел ишлаб чиқариш ва турдош маҳсулотга эгалик қилиш каби ҳолатлар тез-тез учраб туради.

Параллел ишлаб чиқариш – бу алоҳида ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқарувчилар групхи аъзолари ёки ишлаб чиқариш групхи битта турдаги маҳсулотнинг бир қисми сертификатланган, қолган қисми эса сертификатланмаган бўлиши ҳолатидир. Шунингдек, параллел ишлаб чиқариш сертификат амал қилиш доираси сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг барча аъзоларини қамраб олмаган ҳолатда қайд этилади.




Масалан: Ишлаб чиқарувчи олма етишиширади, лекин олма етишишишининг фақатгина бир қисми сертификатлаштиришдан ўтган.



йүүк).

Турдош маҳсулотга эгалик қилиш бу - алоҳида ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқарувчилар групидар аъзолари ёки ишлаб чиқариш групидар ўзлари сертификат бўйича ишлаб чиқараётган маҳсулот турининг сертификатланмаганларини сотиб олиш ҳолатидир.



Mасалан:

Агар ишлаб чиқарувчи бир турдаги маҳсулотни сертификатланган ҳолатда, иккинчисини сертификатланмаган ҳолатда етиштирса бу параллел ишлаб чиқариш хисобланмайди (масалан, олмалар сертификатланган, нок эса

1-жолат. Ишлаб чиқарувчи сертификатланган олма етишириди ва бошқа ишлаб чиқарувчи(лар)дан сертификатланмаган олма сотиб олади.

2-жолат. Ишлаб чиқарувчилар гуруҳи сертификатланган олма ва нок етишириди. Гуруҳ аъзоларидан бири эса сертификатланган нок ва сертификатланмаган олма етишириди.

Куйидаги ҳолатлар турдош маҳсулотга эгалик қилишга кирмайди:

- ❖ Ишлаб чиқарувчи / гуруҳ томонидан GLOBALG.A.P. стандарти талабларига мувофиқ сертификатлаштиришдан ўтган бошқа ишлаб чиқарувчилардан сертификатланган маҳсулот партиясини сотиб олиниши;
- ❖ Сертификатланган ишлаб чиқарувчи сертификатланмаган маҳсулот ишлаб чиқарувчи худудида ижарачи сифатида етиширилган маҳсулотга ишлов бериб, сертификатланмаган маҳсулот сотиб олиниши

Ҳар бир сертификат талабгори / эгаси (Алоҳида ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқарувчилар гуруҳи аъзолари ёки ишлаб чиқариш гуруҳи) ҳам GLOBALG.A.P. стандартлари асосида сертификатланган маҳсулотга, ҳам сертификатланмаган маҳсулотга эга бўлса, бундай ҳолатларда параллел ишлаб чиқариш ёки турдош маҳсулотга эгали қилиш ҳолатлари бўйича албатта рўйхатдан ўтишлари шарт. Бу жараённи сертификат амал қилиш давомийлигининг исталган вақтида амалга ошириш мумкин бўлади. Бу белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Агар ишлаб чиқарувчи мазкур ҳолатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмаса, белгиланган тартибда санкциялар қўлланилади.

2.3. Рўйхатдан ўтказиш жараёни

GLOBALG.A.P. стандартлари бўйича сертификатлаштириш учун биринчи навбатда сертификатлаштириш идорасини танлаб олиш керак бўлади. Бунинг учун GLOBALG.A.P. нинг расмий сайтидан аккредитланган сертификатланган идораси танланади. Мазкур сайтда барча идоралар ҳақида маълумотлар базаси мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарувчи ўзининг худудига яқин ёки қулай бўлган идорани мустақил танлаши мумкин. Агар GLOBALG.A.P.

томонидан аккредитланган идора мамлакат худудида мавжуд бўлмаса, бошқа мамлакат худудида жойлашган идораларга мурожаат этиш мумкин, чунки бу идоралар халқаро ҳисобланади ва GLOBALG.A.P. номидан фаолият юритади.

Рўйхатга олиш жараёнида қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши зуур:

- ✓ Корхона номи ва манзили;
- ✓ Ишлаб чиқариш майдони ва қайта ишлаш цехи, маҳсулотларни ташиб, юклаш-тушириш, сақлаш ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ Маҳсулот (Рўйхатдан ўқазиш жараёнида ишлаб чиқарувчи ўзининг сертификатлаш идорасини **параллел ишлаб чиқариш/турдош маҳсулотга эгалик қилишга** ариза бериш ҳақида хабардор қилиш)

Рўйхатдан ўтиш жараёнида ариза берувчи қуйидаги мажбуриятни ўз зиммасига олади:

- ✓ Ҳар доим сертификатлаштириш талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- ✓ Ўрнатилган тариф бўйича тўловни амалга ошириш;
- ✓ Сертификатлаштириш идорасига янги маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;
- ✓ Сертификатлаштириш ва сублицензиялаш ҳақида келишиш

Сертификатлаштириш жараёнида зарурый маълумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт. Қуйида барча модул/субмодуллар бўйича минимал ва тақдим этилиши шарт бўлган маълумотлар рўйхати келтирилган:

Компания

- Компания номи
- Манзили: кўча, уй рақами ёки ишлаб чиқарувчининг манзилини билдирувчи бошқа маълумот;
- Мурожаат манзили: почта индекси;
- Почта индекси – шаҳар, график (туман), штат/провинция (вилоят);
- Телефон рақами (мавжуд бўлса), факс рақами (мавжуд бўлса), электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

- Глобал идентификацион рақами (GLN) (мавжуд бўлса);
- Мамлакат худудида ёки хорижда юридик шахс сифатини тасдиқловчи хужжат, бу хужжат (масалан, солик тўловчини ҳисоб рақами, ҚҚС рақами, ишлаб чиқарувчини иденификацион рақами ва х.к.) қайта рўйхатдан ўтказишни олдини олиш мақсадида текширилади.
- Корхонанинг геожойлашуви
- GLOBALG.A.P. стандартлари бўйича аввалги қайд рақами (GGN).

Аризачи:

- Бир маҳсулотни турли сертификатлаштириш органлари ёки сертификатлаштиришнинг ҳар вариантлари бўйича рўйхатдан ўтказиши мумкин эмас.
- Ҳар хил маҳсулотни турли сертификатлаштириш органлари ёки сертификатлаштиришнинг ҳар вариантлари бўйича рўйхатдан ўтказиши мумкин. (масалан, олмани 1-вариант бўйича, олчани 2-вариант бўйича сертификатлаштириш мумкин; олма битта сертификатлаштириш органи томонидан, олча эса бошқасида, ёки иккаласи ҳам битта орган томонидан сертифицираниши мумкин).
- Бир вақтни ўзида турли мамлакатлар худудида жойлашган ишлаб чиқарувчилар гурӯҳи рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас (халқаро 2-вариант мавжуд эмас!).

Рўйхатдан ўтказишни якунлашда **аризачи**:

- Сертификатлаштириш органига белгиланган тартибда ариза топширади;
- Сублицензиялаш ва сертификатлаштириш ҳақида Келишувга имзо қўяди;
- GLOBALG.A.P. бўйича қайд рақамини олади;
- GLOBALG.A.P. бўйича рўйхатга олиш тўловини амалга ошириш бўйича розилик беради.

Рўйхатдан ўтказиш жараёни (биринчи марта сертификатлаштириш ва сертификат беришда) аудит бошлангунига қадар тугатилиши керак. Биринчи марта сертификатлашириш ва сертификат беришда: сертификатлаштириш органи тўлдирилган ариза қабул қилиб олган пайтдан бошлаб 28 каленларь куни давомида аризани тасдиқлаши ва GLOBALG.A.P. рўйхатга олиш рақами (GGN) ни тақдим этиши шарт.

2.4. Баҳолаш жараёни

Ариза рўйхатдан ўтказилгандан кейин баҳолаш жараёни бошланади. Рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчи сертификат олиш учун ўз фаолиятини ички баҳолашни ёки ички инспекция / аудитни амалга ошири ва олдиндан танлаган сертификатлашириш органи томонидан ташқи инспекция/аудитни амалга ошириши керак бўлади.

Умумий баҳолаш сертификат бериш олдидан (дастлабки баҳолаш), ва ҳар иили (режа бўйича навбатдаги) баҳолаш амалга оширилади. Сертификатлаширишнинг 1-варианти қўлланилганда баҳолаш қўйидагича амалга оширилади:

СМТ жорий этилмаган алоҳида ёки бир неча объектларни сертификатлаштириш

Баҳолаш (бошланғич ва навбатдаги)	
Ишлаб чиқарувчининг ўзини ўзи назорат қилиши	1. Тўлиқ текширувдан ўтказиш (барча рўйхатдан ўтказилган объектлар бўйича)
Сертификатлашириш органи тарафидан ташқи баҳолаш	2. Режа бўйича тўлиқ инспекция (барча рўйхатдан ўтказилган объектлар бўйича) 3. Дастлабки сертификатлаширишдан кейинги: Навбатдан ташқари инспекция (камидা 10 % сертификат эгалари текширилади)

Ўзини ўзи текшириш барча ишлаб чиқариш худудлари, маҳсулотлар ва жараёнларни ўз ичига олади. Мазкур баҳолаш ишлаб чиқарувчининг

жавобгарлиги остида амалга оширилади. Дастлабки ва назорат инспекциялари оралиғида тўлиқ назорат рўйхати асосида камида йилига бир марта амалга оширилади. Ўзини ўзини текшириш назорат рўйхати ўз ичида назорат нуқталарига қўйилган талабларнинг барча бажарилмайдиганлар ва номувофиқларига изоҳларни ўз ичига олади.

Сертификатлаштириш органи томонидан ўтказиладиган (режали ва навбатдан ташқари) сертификатлаштириш органи инспектори ёки аудитори томонидан амалга оширилади. Сертификатлаштириш органи рўйхатда кўрсатилган барча назорат нуқталари учун белгиланган умумий ва тармоқ модуллари (мажбурий ва иккинчи даражали талаблар, тавсиялар) бўйича тўлиқ текширилади.

Режа бўйича инспекция ҳар йили ўтказилади. Мазкур инспекция аудитор ва инспекторлар томонидан амалга оширилади. Бунда барча хужжатлар, бажарилган ишлар ва уларнинг тартиби тўлиқ назоратдан ўтади.

Навбатдан ташқари инспекция эса сертификат олингандан кейин 12 ой мобайнида сертификат олган ишлаб чиқарувчиларнинг камида 10% ини текшириш орқали амалга оширилади. Навбатдан ташқари текшириш ҳақида сертификатлаштириш органи ишлаб чиқарувчиларни олдиндан хабардор қилиши лозим, аммо бу муддат 48 соат (2 иш куни) дан ошмаслиги лозим. Агар ишлаб чиқарувчи узрли сабаблар (касаллиги ёки бошқалар)га кўра белгилангна кунги таклифни қабул қила олмаса, истисно тариқасида яна бир марта имконият берилади. Узрсиз вазият туфайли навбатдан ташқари текшириш бажарилмаса, маҳсулот бўйича барча операциялар тўхтатилади.

Навбатдан ташқари текширишларда **бонус дастурлари** мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарувчилар қуйидаги ҳолатлар бу дастурларда иштирок этишлар мумкин:

- ❖ Улар камида 2 йил олдин сертификатлаштиришдан ўтган бўлса;
- ❖ Охирги иккита текширишда мажбурий талаблар 100%, иккинчи даражали талаблар камида 95 % бажарилган бўлса;

❖ Сўнги икки йил давомида уларга нисбатан санкциялар қўлланилмаган бўлса.

Бу дастур қўлланилганда ишлаб чиқарувчилар қўшимча 10 % сертификат эгалари рўйхатдан ўчирилади ва навбатдан ташқари текширишлардан озод этилади.

СМТ жорий этилган алоҳида ёки бир неча объектларни

сертификатлаштириш

	Бошлангич баҳолаш	Навбатдаги баҳолаш
Ишлаб чиқарувчининг ўзини ўзи назорат қилиши	<p>1. СМТ нинг ички аудити</p> <p>2. Ҳар бир рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчилар/объектлар ва маҳсулотларга ишлов берувчи цехлар ички инспекциядан ўтказилади</p>	<p>1. СМТ нинг ички аудити</p> <p>2. Ҳар бир рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчилар/объектлар ва маҳсулотларга ишлов берувчи цехлар ички инспекциядан ўтказилади</p>
Сертификатлаштириш органи тарафидан ташқи баҳолаш	<p>Биринчи ташриф</p> <p>1. Режа бўйича аудит СМТ+ рўйхатдан ўтган маҳсулотларга ишлов бериш цехлари сонидан квадрат илдиз чиқарилади ва натижада қайд этилган сондаги миқдордагиси текширилади.</p> <p>2. Режа бўйича инспекция рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчилар /объектлар сонидан квадрат илдиз чиқарилади ва камида шу сонга тенг объектлар текширилади.</p> <p>Иккинчи ташриф (назорат)</p> <p>3. Назорат текшируви рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчилар</p>	<p>Биринчи ташриф</p> <p>1. Режа бўйича СМТ аудити</p> <p>2. а) олдинги назоратда жарима қўлланган бўлса: Режа бўйича инспекция рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчилар /объектлар сонидан квадрат илдиз чиқарилади ва камида шу сонга тенг объектлар текширилади.</p> <p>Ёки</p> <p>2. б) олдинги назоратда жарима қўлланилмаган бўлса: Режа бўйича инспекция рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчилар /объектлар сонидан олдинги сафар</p>

	/объектлар сонидан квадрат илдизи чиқарилади ва камида шу соннинг 50 % га тенг объектлар текширилади.	текширилган объектлар сони чиқариб ташланади, сўнгра квадрат илдиз чиқарилади ва камида шу сонга тенг объектлар текширилади. Иккинчи ташриф (назорат) 3. Назорат текшируви рўйхатдан ўтказилган ишлаб чиқарувчилар /объектлар сонидан квадрат илдизи чиқарилади ва камида шу соннинг 50 % га тенг объектлар текширилади.
Сертификатлаштириш органи томонидан маҳсулотларга ишлов бериш цехларида ташқи текширишларни олиб бориш	Биринчи ёки иккинчи ташриф давомида: Агар маҳсулотларга ишлов берувчи битта марказий цех мавжуд бўлса, ҳар йили текширишдан ўтказилади. Агар маҳсулотларга ишлов берувчи бир неча марказий цехлар мавжуд бўлса, у ҳолда рўйхатдан ўтган цехларнинг умумий сонидан квадрат илдиз чиқарилади ва шунча миқдорда цех текширувдан ўтказилади. Агар маҳсулотга ишлов бериш марказлашмаган бўлса, инспекция вақтида гурӯҳнинг ишлаб чиқарувчи аъзолари мавжуд бўлса, бу жиҳатлар хисобга олиниши керак. Агар сув ва денгиз маҳсулотлари тайёрлаш бўйича текшириш амалга оширилганда ҳар бир цех ҳар йили текширишдан ўтказилади.	
Сертификатлаштириш органи томонидан СМТ навбатдан ташқари ташқи аудит	СМТ ни қўшимча навбатдан ташқари аудит ўтказилганда СМТ тизими жорий этилган сертификат эгаларининг 10 % и текширишдан ўтказилади.	

Ишлаб чиқарувчиларни текшириш ва аудит килиш график шакллантирилади ва белгиланган график асосида амалга оширилади. 2-вариант бўйича сертификатлаштириш жараёнида ҳам баҳолаш юқоридаги

тартибда амалга оширилади. Ички аудит бир йилда бир марта амалга оширилади.

Сертификат муддатини узайтиришни “инспекцион дарча” нинг исталган вақтида амалга ошириш мумкин. Бу оралиқ жорий сертификатнинг амал қилиш муддатининг тугашидан 4 ой муддат олдин бошланиб, сертификат муддатининг тугашидан 4 ой муддат ўтгандан сўнг тугайди, яъни 8 ойдан иборат бўлади. *Масалан, сертификатлашнинг биринчи санаси 2017 йилнинг 14 феврали бўлса (амал қилиши муддати 2018 йил 13 февралгача), сертификатнинг амал қилиши муддатини узайтириши мақсадида 2-инспекция 2017 йил 14 октябрдан 2018 йил 13 июнгача бўлган даврнинг исталган вақтида амалга ошириши мумкин.*

Қайта сертификатлаштириш мақсадида ўтказиладиган инспекциялар оралиғи 6 ойдан кам бўлмаслиги керак. Инспекцияларни ўтказиш давомийлиги камида 3 соатдан иборат бўлади.

2.5. Сертификатлаштириш жараёни

GLOBALG.A.P. сертификатига эга бўлиш учун қўйидаги талаблар бажарилиши керак бўлади:

- ✓ **Мажбурий талаблар:** Сифат менежменти тизими (СМТ) ва бажарилиши мажбурий бўлган талаблар 100 % бажарилган бўлиши керак;
- ✓ **Иккинчи даражали талаблар:** Қўлланиладиган назорат нуқталари кўрсаткичлари иккинчи даражали талабларнинг 95 % и бажарилиши керак.
- ✓ **Тавсиялар:** мувофиқликнинг минимал кўрсаткичларини намоён этмаслик керак.

Ишлаб чиқарувчи тузилган шартнома ва умумий талабларни бажариши шарт.

Сертификатлаштириш органи аниқланган қандайдыр номувофиқлик бартараф этилгандан күпі билан 28 календар куни давомида сертификатлаштириш ҳақида қарор қабул қиласы.

Агар, инспекция/аудит давомида номувофиқлик қайд этилмаса, мазкур инспекция/аудит тугагандан кейин 28 кун давомида қарор қабул қилиши керак.

Шикоят ва апелляция учун сертификатлаш органинда фаолият юритувчи бўлим фаолият юритади. Агар сертификатлаштириш органи ҳеч қандай чора кўрилмаса, GLOBALG.A.P. секретариатига мурожаат қилиш мумкин. Бунинг секретариат сайтидаги маҳсус бланка тўлдирилади ва жўнатилади.

Агар жорий инспекция/аудит давомида номувофиқлик аниқланса, сертификатлаштириш органи томонидан куйидаги санкцияларни қўлланилиши керак:

- ◆ Огоҳлантириш;
- ◆ Маҳсулот билан бажарилаётган барча операциялар тўхтатилади;
- ◆ Шартнома бекор қилинади

Агар алоҳида ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчилар гурухи дастлабки инспекция ўтказилгандан сўнг 28 кун мобайнида мажбурий талабларнинг 100% ва иккинчи даражали талабларининг 95% бажарилишини таъминламаса GLOBALG.A.P. маълумотлар базасида мазкур ишлаб чиқарувчилар “очиқ номувофиқлик” ка эга сифатида қайд этилади.

Агар огоҳлантиришдан кейин 3 ой мобайнида бу камчилик бартараф этилмаса, сертификат берилишидан олдин тўлиқ текширувдан ўтказилади. Агар огоҳлантиришдан сўнг номувофиқлик бартараф этилмаса, маҳсулот билан амалга оширилаётган барча операциялар тўхтатилади. Бу санкция битта маҳсулотга, бир неча маҳсулотга ёки барча маҳсулотларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Маҳсулотлар билан олиб борилаётган операциялар қисман тўхтатилиши мумкин эмас. Номувофиқликни бартараф этиш учун сўнгги муддат сертификатлаштириш органи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида келишилади (бу муддат 12 ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас). Санкция

күлланилаётган вақт давомида (маҳсулот билан амалга оширилаётган барча операциялар тұхтатилганды) ишлаб чиқарувчи GLOBALG.A.P. логотипи, савдо белгиси, лицензияси ва сертификатидан фойдаланиши мумкин эмас.

Белгиланған муддат давомида күлланилған санкция сабаби бартараф этилмаса, **шартномани бекор қилиш** санкцияси қўлланилади.

Шартномани бекор қилиш санкцияси қуйидаги ҳолатда қўлланилади:

- ✓ Сертификатлаштириш органи фирибгарлик түғрисида далил топса ёки GLOBALG.A.P. талабларига мувофиқлигига ишонмаса;
- ✓ Ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчилар гурухы сертификат муддати тугагандан сўнг ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реализациясида ундан фойдаланганлигига далил топилғанда.

Шартнома бекор қилиниш санкцияси қўлланилғандан кейин GLOBALG.A.P. га доир барча имкониятлардан фойдаланиш бутунлай таъқиқланади.

Мазкур санкция қўлланилғандан сўнг 12 ой мобайнида GLOBALG.A.P. бўйича сертификатлаштирилишига рухсат берилмайди.

GLOBALG.A.P. сертификат фақат ариза ёзган юридик шахсга берилади. Сертификат бир юридик шахсдан иккинчисига берилиши мумкин эмас. Бундай ҳолатларда тўлиқ инспекция ўказилади ва янги юридик шахсга янги GGN – қайд этилиш рақами берилади.

Сертификатлаштириш цикли 12 ой давом этади. Дастраски сертификатлашда сертификатнинг амал қилиш давомийлиги 1 куни кам бир йилни ташкил этади. Сертификатлаш органи сертификатлаш цикли ва амал қилиш муддатини камайтириши мумкин, аммо бу давомийликни узуайтириш мумкин эмас.

Сертификатлаштириш соҳаси, амал қилиш муддати сертификатда аник ва равшан кўрсатиб қўйилган бўлиши керак.

2.6. GLOBALG.A.P. сертификатини тасдиқлаш

Сертификатлаштиришни амалга ошириш ва сертификатлаштиришни тасдиқлаш пайтида ишлаб чиқарувчилар маслаҳатчилар хизматидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Бунда GLOBALG.A.P. лицензиясига эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари маслаҳатчилари хизмати таклиф қилинади. Мазкур маслаҳатчилар бўйича маълумотларни <http://www.farmassurer.org> сайти орқали олиш мумкин бўлади. Бу маслаҳатчилар GLOBALG.A.P. стандартлари бўйича охирги ўзгаришлар бўйича маълумотлар бўйича доимий равишда таъминланиб туришади.

GLOBALG.A.P. нинг ўз логотипи ва QR коди мавжуд бўлиб, ишла чиқарувчилар улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланишади. Қачонки, ишлаб чиқарувчи бу логотипдан фойдаланса, албатта GGN рақами кўрсатиб ўтилиши шарт.

3. GLOBALG.A.P. СТАНДАРТЛАРИ БЎЙИЧА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШДА АСОС БЎЛУВЧИ БАЗАВИЙ МОДУЛЛАР

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, GLOBALG.A.P. стандартлари асосан 3 та базавий модулларга бўлинади:

1. Ўсимликшунослик базавий модули (CB)
2. Сув ва денгиз маҳсулотлари (AB)
3. Чорвачилик базавий модули (LB)



2-расм. GLOBALGAP стандартларининг қамраб олиш соҳалари

Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштираётган маҳсулотига кўра таснифланади. Бу базавий модуллар бўйича қўйиладиган талаблар соҳа йўналишига қараб ҳар хил талабларни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда GLOBALG.A.P. стандартлари бўйича сертификатлаштириш ишлари биринчи базавий модул - Ўсимликшунослик базавий модули (CB) асосида амалга оширилмоқда.

3.1. Қишлоқ хўжалиги амалиётида стандарт чора тадбирларни таъминлашда назорат нуқталари ва мувофиқлик мезонлари

GLOBALG.A.P. стандартларини ўлчамидан қатъий нзар барча турдаги хўжаликлар ва маҳсулотлар учун қўллаш мумкин. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг ҳамма усулари учун қўлланилади. *GLOBALG.A.P.* стандартларининг IFA талабларини таъминланиши бўйича дунёнинг 110 дан ортиқ мамлакатида 150 мингдан ортиқ ишлаб чиқарувчилар шуғулланишади. Каерда қонун хужжатлари нисбатан талабчан бўлса, улар *GLOBALG.A.P.* устидан ҳуқуқий имтиёзларга эга бўлишади. Агар қонунчилик етарли даражада таъсир кучига эга бўлмаса, у ҳолда *GLOBALG.A.P.* стандартларини қўллашнинг самарадорлиги янада пасайиб кетади.

GLOBALG.A.P. стандартларида барча қишлоқ хўжалиги корхоналари учун базавий модули (**AF**) мавжуд бўлиб, мазкур соҳадаги талабларни ўз ичига олади. **AF** базавий модули қўйидаги бўлимлардан ташкил топган:

- AF.1 – Худуд тарихи ва уни бошқариш;
- AF.2 – Хужжатларни юритиш ва ўз-ўзини назорат қилиш (Ички аудит);
- AF.3 – Мехнат гигиенаси;
- AF.4 – Ишчилар меҳнати ва саломатлиги муҳофазаси, ижтимоий майший таъминот;
- AF.5 – Субпудратчилар;
- AF.6 – Чиқиндарни бошқариш ва ҳатроф муҳит ифлосланиши назорат қилиш, қайта ишлаш ва қайта фойдаланиш;
- AF.7 – Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш;
- AF.8 – Шикоят ва аризалар;
- AF.9 – Қайтариш жараёни тартиби;
- AF.10 – Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳимояси (гуллар, манзарали ўсимликлар ва ўсимликларни кўпайтириш материаллари учун қўлланилмайди);
- AF.11 - *GLOBALG.A.P.* мавқие;

AF.12 – Логотипдан фойдаланиш;

AF.13 – Маҳсулотлар изчиллиги ва тақсимоти

AF.14 – Хом ашё ва материаллар баланси

AF.15 – Озиқ-овқат хавфсизлиги түғрисида декларация (гуллар, манзарали ўсимликлар ва ўсимликларни кўпайтириш материаллари учун қўлланилмайди);

AF.16 – Озиқ-овқат соҳасида фирибгарликни камайтириш (гуллар, манзарали ўсимликлар ва ўсимликларни кўпайтириш материаллари учун қўлланилмайди);

AF 1 - Худуд тарихи ва уни бошқариш

Ер ресурсларидан түғри ва самарали фойдаланиш муваффақиятнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Мазкур бўлим худудни түғри бошқариш, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг моддий базасини шакллантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кафолатлашга бағишлиланади.

Ҳар бир майдон, мевали боғ, иссиқхоналар, экин майдончалари, чорвачилик иншоотлари (яйловлар) ва бошқа фойдаланилаётган майдонлар иденификацион тизими шакллантирилганлиги (мажбурий талаб). Бунда ҳар бир обьект ҳақидаги тўлиқ маълумотлар шакллантирилган бўлиши керак.

Тегишли худуддаги ҳар бир ишлаб чиқариш бирлиги, экин майдони, чорва бош сони, агротехник тадбирларнинг рўйхатга олиб борилиши мажбурий талаб ҳисобланади. Мазкур меъёрий хужжат GLOBALG.A.P. стандарти бўйича сертификатлаширишга доир барча маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши керак. Бу бандда “N/A” (“қўлланилмайди”, “маълумотлар мавжуд эмас”) жавобига йўл қўйилмайди

Ишлаб чиқариш учун яроқли обьектлар бўйича хавф – хатарни баҳолаш натижаси ёзма шаклда тақдим этилади. Хавф-хатарни баҳолаш стандарт намунага асосан корхонанинг ихтисослашувига биноан олиб борилади. Хавф-хатарни баҳолашда қўйидагиларни ҳисбага олиш зарур:

- ✓ Эҳтимолий физикавий, кимёвий (шу жумладан аллергенлар) ва биологик хавфли омиллар;
- ✓ Объект тарихи (объект бўйича экилган экинлар ва олиб борилган ишлар бўйича сўнги беш йиллик маълумотлар архивига эга бўлиш тавсия этилади. Агар бу маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу давр камида 1 йил бўлиши талаб этилади.);
- ✓ Олиб бориладиган тадбирларнинг иқлимга, тупроққа, ҳайвонот дунёсига ва атроф муҳитга таъсири, шунингдек, чорвачилик ва балиқчилик хўжаликларига тегишли худудларнинг агроэкологик ўзгаришларини.

Юқорида қайд этилган хавф-хатарлар даражасини имкон қадар камайтиришга қаратилган стратегик режа ишлаб чиқарилганлиги ва жорий этилганлиги. Бу талаб мажбурий бўлиб, бунда стратегик режа юқорида аниқланган хавф хатарнинг олдини олиш, таъсирини камайтиришга қаратилган бўлади. Мазкур режа барча турдаги хўжаликларга таъалуқли бўлиб, уни амалга ошиши натижаси кафолатланган бўлиши керак.

Эслатма. Атроф-муҳит билан боғлиқ хатарларни режага киритиш шарт эмас, бу хатарлар AF 7.1.1. бандида ҳисобга олинади.

AF 2 – Хужжатларни юритиш ва ўз-ўзини назорат қилиш (Ички аудит)

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тажрибалари ҳақидаги муҳим тафсилотларнинг рўйхатга олиниши ва архив шаклида сақланиши таъминланади.

Ички назорат вақтида сўралган хужжатларнинг барчаси мавжудлиги ва камида 2 йил сақланиши таъминланганлиги. Бу банд мажбурий талаб бўлиб, ишлаб чиқарувчилар муҳим хужжатларни камида икки йил сақлашлари зарурдир. Архивни электрон шаклда юритишга рухсат этилади, аммо бу ҳолатда маҳсумотларни заҳира нусхасини олиш таъминланиши керак.

Дастлабки инспекцияда аризачилар ташқи инспекциядан кейинги З ойдаги хужжатларни тақдим этишлари керак бўлади.

AF 3 – МЕХНАТ ГИГИЕНАСИ

Яхши тайёрланган шахс – бу маҳсулот ифлосланиши олдини олишнинг гаровидир. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишчилари ва фойдаланувчилари, шунингдек ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари корхонадаги сифат ва хавфсизликдан манфаатдордирлар. Ўқитиш ва инструктажлар хавфсиз ишлаб чиқариш маданиятининг бир қисмидир. Бу бўлим маҳсулот сифати гигенага амал қиласлик натижасида пасайишини олдини олишга, шунингдек, ишчиларнинг талабларга мос ва моҳирлик билан ишлашларини таъминлашга қаратилган.

Ҳосилни йиғиш ва ишлов бериш бўйича қўшимча гегиеник талаблар стандарт модулда кўрсатиб ўтилган.

Гигиеник талабларда ҳар бир ходимлар гурӯхига уларнинг иш фаолиятидан келиб чиқиб инструктажлар олиб борилади. Бунда инструктаж барча учун тушунарли бўлган тилда, белгилар ва кўргазмали воситалар (плакат, баннер, схемалар) орқали етказилади. Деярли барча корхоналарда қўлланиладиган, минимал зарурий кўрсатмаларни ўз ичига олган инструкциялар қўйидагича бўлади:

- ♦ қўлни ювиш зарурати;
- ♦ кесилган яраларни боғлаш зарурати;
- ♦ чекиши, овқатланиш жойларини алоҳида бўлиши;
- ♦ юқумли инфекциялар ва уларнинг симптонлари (масалан, қусиш, сарғайиш, ич кетиши) ҳақида огоҳлантириш, агар ишларда бу касаллик аниқланса, уларни ишдан озод этиб, озиқ-овқат ва маҳсулотларга бевосита тегишлигини олдини олиш;
- ♦ маҳсулотларнинг физиологик суқликлар билан ифлосланиши;

- ◆ ишчилар томонидан маҳсулот ифлосланиши эҳтимоли бўлганда ҳимоявий кийимлардан фойдаланиш
- ◆ ва ҳоказо.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда санитар гегиеник талабларга тўлиқ риоя этиш меъёрий хужжатларга мос ҳолда амалга оширилади.

AF.4 – Ишчилар меҳнати ва саломатлиги муҳофазаси, ижтимоий майший таъминот

Яхши тайёрланган шахс – бу ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасида хавфсиз ва самарали иш ташкил этишнинг гаровидир. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишчилари ва фойдаланувчилари, шунингдек ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари корхонадаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва атроф-муҳит муҳофазасидан манфаатдордирлар. Ходимларнинг малакасини ошириш ва инструктажлар экологиклик ва ижтимоий капитал қуришни ривожлантириш лаёқатини ошириб боради. Бу бўлим маҳсулот сифати иш жойида хавфсиз меҳнатни ташкил этишга, барча ишчиларнинг ўз вазифаларини талаб бўйича ва моҳирлик билан бажаришларини, шунингдек, уларни хавфсиз меҳнат қилиш учун зурурий жиҳолар билан таъминлаш ва баҳтсиз ходисалар содир бўлганда ўз вақти ёрдам кўрсатишни таъминлашга қаратилган.

Бунда барча ходимлар меҳнат хавфсизлиги, зарурий кўрсатмалар бўйича ўқитилади. Кўринадиган жойга барча учун тушунарли бўлган тилда огоҳлантирувчи ёзувлар, белгилар, схемалар ва иллюстрациялар осиб қўйилади. Шу билан бирга баҳтсиз ходисал содир бўлган ҳолатда амалга ошириладиган ҳаракат режаси барча учун тушунарли тилда пикторграмма шаклда кўринадиган жода ўрнатилади. Мазкур режа қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ◆ -қишлоқ хўжалиги корхонаси манзили харитаси ёки манзили;
- ◆ Алоқа бўлимлари;

- ◆ Мұхым телефон рақамлари (милиция, тез ёрдам, касалхона, ёнғин хавфсизлиги хизмати, тиббий-санитар ёрдам пунктіга тез боғланиш ёки етиб бориш схемаси, сув, электр ва газ таъминоти хизмати);

Шу каби инструкциялар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- ◆ Яқында жойлашған телефон (радиоузел) жойлашуви
- ◆ Худудий соғлиқни сақлаш муассасаси ёки бошқа тезкор ёрдам күрсатиши хизматига қандай ва қаерда мурожаат қилиш тартиби;
- ◆ Ёнғин ўчириш воситаси жойлашған жой;
- ◆ Фавқулоддаги ҳолатлар учун захира чиқиши жойлари;
- ◆ Электр, газ ва сув таъминотини авария ҳолатларида узиш нұқталари;
- ◆ Бахтсиз ходиса ва хавфли ҳолатлар бўйича хабар бериш тартиби.

Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсус кийимларни кийиш ҳам меҳнат хавфсизлиги таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ишчилар учун яратилған шароитлар, дам олиш хоналари, оқатланиш, ювениш хоналари, ҳожатхоналар, ичимлик суви билан таъминланганлиги ва шу кабилар меҳнат муҳофазасини таъминлашга хизмат қиласи.

AF.5 – Субпудратчилар

Субпудратчи – бу ишлаб чиқарувчига шартнома асосида аник бир иш (масалан, донни йиғишириб олиш, меваларга ҳар хил воситаларни пуркаш, ҳосилни йиғишириш)ни амалга ошириш учун ишчи кучи, жиҳоз ёки материалларни тақдим этувчи субъектдир.

Бунда субпудратчилар GLOBALG.A.P. стандартлари талаблари асосида ишларни олиб бориши учун ишлаб чиқарувчи жавобгар ҳисобланади. Субпудратчилар томонидан олиб бориладиган ишлар далолатномалар орқали расмийлаштирилади ва GLOBALG.A.P. бўйича сертификатлаштириш органи томонидан текшириш учун қаршиликлар бўлмаслиги лозим.

AF.6 – Чиқиндарни бошқариш ва атроф - мұхит ифлосланиши назорат қилиш, қайта ишлаш ва қайта фойдаланиш

Чиқиндарни камайтириш мақсадида қүйидагилар амалға оширилади: жорий методика ва технологиялар таҳлил қилинади (қайта күриб чиқилади), камчиликлар аниқланади ва уларнинг ҳосил бўлиши қисқартиришга эътибор қаратилади, шунингдек улардан қайта фойдаланиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўсимликларга кимёвий ишлов берилгандан сўнг чиқиндар белгиланган тартибда утилизация қилиш тўғри амалға оширилиши лозим. Ёнилғи сақлаш ва улардан фойдаланиш, ўғитларни сақлашда атроф мұхитга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирлар мажмуи ишлаб чиқиши ва унга амал қилиш қатъий белгилаб қўйилади.

AF.7 – Атроф мұхит ва табиатни муҳофаза қилиш

Қишлоқ хўжалиги ва атроф-мұхит бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Тирик табиат ва ландшафт ресурсларини бошқаришнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Флора ва фаунанинг бойлиги ва турли туманлиги турларнинг ривожланишига сабаб бўлади, шунингдек, ландшафт таркибий қисмларининг таркиби яхшиланиб боришига ёрдам беради.

Хўжаликларда ишларни ташкил этишда худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот олами ўрганилади. Хўжаликлар фаолияти мазкур тизимга салбий таъсир қиласлиги таъминланиши аниқ бўлгандан кейин бошланиши мумкин. Шу билан бирга худуднинг тупроқ иқлим шароитига мос экин экинлари этиштирилиши ҳам мұхим омил ҳисобланади.

Экин майдонига агротехник ишлов беришда тупроқ структурасига салбий таъсирнинг олдини олишга алоҳида эътибор бериш керак. Олиб борилаётган тадбирлар энергия тежамкорлиги ҳам ҳисобга олинади. Бу талаблар тавсия хусусиятига эга бўлган талаблар қаторига киради.

AF.8 – Шикоят ва аризалар

Шикоятларнинг кўриб чиқилиши ишлаб чиқариш тизимини умумий ривожланишига ёрдам беради. Чунки, юзага келган камчиликлар бартараф этилиши ва бу ҳолатлар тақорорланмаслиги таъминланади. GLOBALG.A.P. стандартлари талаби бўйича ишлаб чиқариш корхонасида шикоятларни кўриб чиқиш ва уларни бартараф этиш бўйича хужжатлаширилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

AF.9 – Қайтариш жараёни тартиби

Ишлаб чиқарувчи низоли ҳолатларда истеъмолчидан маҳсулотни қайтариб олиш ҳолати бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқсан ва GLOBALG.A.P. стандарти бўйича сертификатлаштириш идораси томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Бу чора тадбирлар қолдиқ маҳсулотларини текшириш методикаси бўйича ишлаб чиқилади.

Бу чора тадбирларнинг самарадолигини кафолатлаш мақсадида ҳар йили ишла чиқарувчи томонидан текширилади ва хужжатлар билан расмийлаштирилади.

AF.10 – Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳимояси (гуллар, манзарали ўсимликлар ва ўсимликларни қўпайтириш материаллари учун қўлланилмайди)

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича назорат қилинади ва баҳолаб борилади. Агар бирор бир хавф аниқланса, уларни зудлик билан бартараф этиш чора тадбирлари амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини кафолатлаш мақсадида ҳар бир манба тўлиқ назорат остида бўлиши шарт. Шунингдек, барча ходимлар ва субпурдатчилар ҳақида маълумотлар базада тўлиқ шакллантирилган бўлиши керак.

AF.11 - GLOBALG.A.P. мавқиे

Сертификатланган маҳсулотларни ҳисоб китоби, реализациясида сертификат эгасининг GGN рақами акс этган бўлиши керак. Шунингдек, GLOBALG.A.P. сертификати нуфузидан фойдаланиш мақсадида иқтибос келтирилиши мумкин. Бу қоида ички ҳужжат алмашинуви учун мажбурий эмас.

Агар ишлаб чиқарувчида ҳали жараёнда бўлган GLN рақами мавжуд бўлса, GLOBALG.A.P. сертификатига эга бўлгандан сўнг GGN рақамига алмаштирилади.

Сертификатлаштиришнинг нуфузи кўрсатилиши мажбурий ҳисобланади ва сотилган маҳсулот қандай сифатда сотилишидан қатъий назар бу жараён амалга оширилилади. GLOBALG.A.P. стандарти нуфузидан фақатгина сертификатлаштириш жараёнларидан муваффақиятли ўтган вақтидан бошлаб фойдаланиш мумкин.

AF.12 – Логотипдан фойдаланиш

Ишлаб чиқарувчилар ёки ишлаб чиқарувчилар грухси GLOBALG.A.P. сўзи ва товар белгиси, ёки QR –коди, GGN, GLN ёки суб – CLN (GLOBALG.A.P. - рақам) логотипи ва рақамларидан белгиланган тартибда фойдаланишади. Якуний маҳсулотда, товар ёрлиғида, савдо нуқтасида ҳеч қачон GLOBALG.A.P. сўзи, белгиси ёки логотипидан фойдаланиш мумкин эмас, лекин сертификат эгаси расмий мулоқотларда фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, GLOBALG.A.P. сўзи, белгиси ва логотипидан ҳали сертификатланганлик ҳақида ижобий тасдиққа эришмагунга қадар фойдаланиш тақиқланади.

AF.13 – Маҳсулотлар изчиллиги ва тақсимоти

Мазкур бўлимдаги тартиб қоидалар параллел ишлаб чиқарувчилар (турдош маҳсулотга эгалик қилувчилар) шаклида рўхатдан ўтишни ҳоҳловчи

ишлиб чиқарувчилар учун кўлланилиши назарда тутилган. Бунда сертификатлаштиришнинг иккала вариантида ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Бунда барча турдаги ишлиб чиқарувчилардан сертификатланган ёки сертификатланмаган маҳсулотлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Сертификатланган ва сертификатланмаган маҳсулотларни бир вақтда сотиб олганда расмийлаштиришда қўйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

- Маҳсулот тавсифи (масалан, гилос ва помидор);
- GLOBALG.A.P. стандарти бўйича сертификатлаштириш мақоми;
- Маҳсулот харид қилиш ҳажмлари;
- Етказиб берувчи ҳақида батафсил маълумот;
- GLOBALG.A.P. сертификати нусхаси(мавжуд бўлса);
- Етказиб берилаётган маҳсулотлар изчилиги бўйича маълумотлар;
- Баҳоловчи ташкилот томонидан ижобий натижа олган буюртма рақамлари;
- Тасдиқланган етказиб берувчилар рўйхати.

AF.14 – Хом ашё ва материаллар баланси

Бу бўлим GLOBALG.A.P. талаблари бўйича барча ишлиб чиқарувчиларга таълуқлидир. Ишлиб чиқарувчилар груҳи бўйича иш ташкил этилганда баъзи ҳолларда грухда сифат менежменти тизими (СМТ) жорий этилаётган пайтда ҳисобга олинган бўлади. Бунда ишлиб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хом ашё ва материал баланси муайян процедура бўйича амалга оширилади. Бу мажбурий талаб бўлиб, ҳар бир маҳсулот тури учун камида йилига бир марта шунда текшириш ўтказилиб турилиши керак. Хом ашй ва материал баланси ҳолатини ифодаловчи ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосланган ва тушунарли бўлиши керак. Мазкур назорат нуқтаси GLOBALG.A.P. бўйича барча ишлиб чиқарувчилар учун таъалуқли ҳисобланади.

AF.15 – Озиқ-овқат хавфсизлиги түғрисида декларация (гуллар, манзарали ўсимликлар ва ўсимликларни кўпайтириш материаллари учун қўлланилмайди);

Озиқ овқат хавфсизлиги бўйича декларация ишлаб чиқарувчиларга мазкур ҳолат бўйича механизмларни сўзсиз жорий этиш маъсулиятини юклайди. Бу декларация ҳар йили сертификатлаштиришнинг янги цикли бошланган пайтда тўлдирилади ва тасдиқланади.

Биринчи вариант бўйича (ишлаб чиқарувчи СМТ ни қўлламаганда) ўз-узини назорат қилиш пайтида назорат нуқталари мазкур декларация асосида белгиланади. Иккинчи вариант бўйича сертификатлаштириш амалга оширилганда эса ва биринчи вариант бўйича СМТ ни қўллаганда битта аъзо билан мазкур декларация тўлдирилади ва жорий этилади. Битта декларация барча ишлаб чиқарувчилар учун таъалуқли бўлади ва СМТ даражасига тенглаштирилади. Бу ҳолатларда бошқа аъзолари алоҳида декларация имзолашлари талаб этилмайди.

AF.16 – Озиқ-овқат соҳасида фирибгарликни камайтириш (гуллар, манзарали ўсимликлар ва ўсимликларни кўпайтириш материаллари учун қўлланилмайди);

Озиқ овқат маҳсулотлари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари дастлабки ишлаб чиқаришда учраши мумкин. Бунда етказиб берувчилардан талабга жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш воситаси ёки хом ашё етказиб берилиши мумкин. Бу эса кўплаб инсонлар саломатлигига хавф солиши мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқарувчилар бу каби хавфнинг олдини олишга қараилган чора тадбирларни доимий равишда қўллаб туришлари шарт.

3.2. СВ –Ўсимликшунослик базавий модули (СВ) ва унинг таркибий қисмлари

Ўсимликшунослик маҳсулотларини GLOBALG.A.P. стандарти бўйича сертификатлаштиришнинг базавий модули қуидаги қисмларни ўз ичига олади:

СВ.1 Экин майдони тарихи

СВ.2 Экиш/уруглик материали

СВ.3 Тупроқ парвариши ва ундан рационал фойдаланиш

СВ.4 Ўғит қўллаш

СВ.5 Сув ресурсларидан фойдаланиш

СВ. 6 Ўсимликларни зааркунандалардан комплекс ҳимоя қилиш

СВ.7 Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари

СВ.8 Таъминот ва жиҳозланиш

GLOBALG.A.P. стандарти бўйича сертификатлаштиришда кўрсатилган талаблар ижроси таъминланиши назарда тутилади. Мазкур стандартларда кўрсатилган талаблар 3 хил тоифага бўлинади:

Қизил рангда – мажбурий талаблар

Қора рангда – иккинчи даражали талаблар

Яшил рангда – тавсиялар

Агар аудит натижасида мажбурий талаблар 100 %, иккинчи даражали талаблар камида 95 % фоиз бажарилганда сертификат берилиши мумкин, акс ҳолда сертификатлаштириш амалга ошмайди.

СВ.1 Экин майдони тарихи. Бунда сертификатланадиган майдонда бир мавсум олдинги ва кейинги мавсум ҳақида, жами 3 мавсум ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд бўлиши керак. Шу билан биргаликда етиштирилган маҳсулотга қандай ишлов берилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳужжатларда акс этган бўлиши керак. Бу талабда “назарда тутилмаган” деган жавоб бериш мумкин эмас. Чунки бу мажбурий талаб ҳисобланади.

СВ.2 Экиш/уруглик материали. Экиш/уруглик материал (уруг/кўчатлар, пайванд/бошланғич манбалар)ни танлаш ўсимликнинг яхши ривожланиши ва сифатли маҳсулот етиштиришнинг гарови ҳисобланади. Навлар қуидаги мақсадларда қайд қилинади:


- Фермер, қайта ишловчи, чакана савдо ва бошқарувчиларга назорат қилиш имкониятини бериш;
- Хавфсизлик техникаси ва меҳнат гегиенаси талаблари назоратини таъминлаш;
- Муҳим маълумотлар тақдим этиш йўли билан фирибгарликларнинг олдини олиш;
- Пировард маҳсулот нав хусусиятларига мослиги бўйича харидорга умумий кафолат берса олиш мақсадида.



СВ.3 Тупроқ парвариши ва ундан рационал фойдаланиш. Ердан тўғри фойдаланиш тупроқ унумдорлигини ошишини таъминлайди, ҳосилдорлик ва рентабеллик ошишига олиб келади. Агар ўсимлик тувакда ёки сувда ўсадиган ўсимликлар учун бу банд қўлланилмайди. Етиштирилаётган ўсимлик хусусияти ҳисобга олинниб, бериладиган ўғитлар турлари ва миқдори бўйича режа ишлаб чиқиласди.




Экин майдони контурлари бўйича шакллантирилган харита асосида технологик карта тузилади. Бир йиллик ўсимликлар учун алмашлаб экиш расмий тасдиқланади. Сўнги 2 йиллик ротация ҳисоблаб борилади (Мазкур талаб иккинчи даражали талаб ҳисобланади).



Тупроқ таркибининг салбий ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар шакллантирилиб, уларнинг олдини олиш чора тадбирлари амалга оширилади (*Масалан, тупроқ зичлашиб қолишини олиши мақсадидаги ҳайдов таркторлари шинаси алмаштирилади, дренаж тизимларини текшириши, қаторларни рақамлаш ва ҳ.к. – иккинчи даражали талаблар*). Тупроқ эрозиясини минималлаштиришга қаратилган методикаларни қўллаш ҳам шулар жумласига киради.



СВ.4 Ўғит қўллаш. Уғит қўллаш ҳақида қарор қабул қилиш жараёнига ўсимликнинг ўғитга нисбатан талабини баҳолаш ҳам киради. Экин экилган майдон тупроғи / субстрат таркибида ўсимлик яхши ривожланиши учун етарли озиқа бўлиши керак. Ўғит қўллаш жараёнида миқдорни тўғри танлаш, ўғитни сақлаш жараёнида ифлосланиш ва йўқотилиш ҳолатига йўл қўймаслик зарур.



Ҳар бир ўғитлаш вақти, миқдори, участкаси, ўғитлаш усули, ўғитлашни амалга оширган оператор ҳақидаги маълумот тўлиқ шакллантирилиши шарт.

СВ.5 Сув ресурсларидан фойдаланиш. Сув чекланган табиий ресурс хисобланади, суғориш ишлари режалаштирилган ҳолатда ва техник жиҳозлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хўжалик суғориш учун зарурий жиҳозлар билан таъминланган бўлиши ва суғориш ишларни

рационал ташкил этишга асосий эътибор қаратилади. Ҳар бир сугорища санаси, сугориш миқдори ва усули ҳақидаги барча маълумотлар ўрнатилган тартибда қайд этиб борилиши шарт.




Фойдаланилаётган сув сифатини текшириш мажбурий талаб ҳисобланиб, улардан фойдаланиш мақсадига қараб турлича талаблар қўйилади. Сув таркиби бўйича потенциал хавф-хатар ҳисобланади. Сув таркиби таҳлили ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда қайд этиб борилади.



СВ. 6 Ўсимликларни зааркунандалардан комплекс ҳимоя қилиш. Ҳар хил ўсимликлар ва турли худудларнинг хусусиятларига кўра

зааркунандаларнинг табиий хилма-хиллиги жуда юқоридир. Шунинг учун ўсимликларни зааркунандалардан самарали ҳимоя қилиш учун худуднинг физик (иқлимий, топографик ва б.), биологик (зааркунандаларнинг хилма хиллиги, табиий зааркунандалар ва б.) ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиш зарур ҳисобланади.




Ўсимликларни зааркунандалардан комплекс ҳимоя қилиш ўқитиш, тайёрлаш ва/ёки маслаҳатлар ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (*Иккинчи даражали талаблар*). Шунингдек, профилактика ишлар мажбурий талаблар қаторига киради.

СВ.7 Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари. Зааркунандалар ёки касалланиш етиштирилаётган маҳсулот сифатига салбий таъсир қўрсатса, бу ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам соғлиқ жиҳатдан ўзининг оқибатларини намоён этади. Бундай вазиятларда эҳтимолий зарарни олдини олиш мақсадида зааркунандаларга қарши курашишнинг маҳсус усусларини қўллашга эҳтиёж туғилади.




Мазкур ҳолатларда қуйидаги мажбурий талаблар бажарилиши шарт: қўлланиладиган препарат мамлакатда мазкур ўсимлик тури учун

күлланилишга рухсат этилган бўлиши керак; мазкур препарат ҳақида маҳсулот ёрлиғига қайд этилган бўлиши керак; ўғитлашни амалга оширувчи ходим техник жиҳатдан ўқитилган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши шарт; ўсимлик тури ва нави, воситани қўллаш вақти, усули ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда қайд этилган бўлиши шарт.



Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари техника ва ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда тўғри сақланиши керак. Бу препаратлар сақланадиган омборхоналар учун алоҳида инвентаризация юритилиши керак. Ишлатиб бўлинган препарат идишлари белгиланган тартибда утилизация қилинади.



СВ.8 Таъминот ва жиҳозланиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини еиштиришда керакли жиҳозлар билан таъминланганлик озиқ овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўсимликларга ишлов берувчи техникалар ҳар доим ишга шай ҳолатда бўлиши, камида бир йилда бир марта калибровлаш ва қиёслашдан ўтказилиши шарт.





Масалан, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ишатиладиган пуркагичлар (автоматик ёки қўлда бошқариладиган) сўнги йилда ишлатилганда тўғри ишлаганингини тасдиқловчи хужжатлар билан таъминланган бўлиши керак.

3.3. Мева-сабзавотлар модули (FV)

СВ- Ўсимликшунослик базавий модули ўз ичига қуйидаги бешта модулни қамраб олади:

- ✓ **Мева ва сабзавотлар:** GLOBALGAP бўйича сертификатлаштириш ўз ичига инсон истеъмолига мўлжалланган барра, ошпазлик ёки бошқа ишлов бериш учун етиштирилган мева ва сабзаовотларни қамраб олади. Сертификатлаштиришнинг бу тури доривор ёки парфюмерия мақсадида етиштириладиган сабзавот маҳсулотлари учун қўлланилмайди.
- ✓ **Гуллар ва манзарали ўсимликлар.**
- ✓ **Машинада йигиб-териб олинадиган ўсимликлар**
- ✓ **Чой**
- ✓ **Ўсимликлар учун экиш материаллари** (бу маҳсулотлар фақатгина экиш материали сифатида сертификатланади, инсон ва ҳайвон (озика) овқатига ишлатилишига мўлжалланмайди).

Улар ичида биринчиси FV – Мева ва сабзавотлар модули ҳисобланади. Мазкур модул бешта қисмдан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

FV 1 – Худуднинг хусусиятлари

FV 2 – Тупроқ таркибини бошқариш

FV3 – Қўлланиладиган субстратлар

FV4 – Ўйғим-теримга тайёргарлик

FV5 – Ҳосилни йиғиб олиш ва ундан кейинги тадбирлар

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари одатда турли микроорганизмлар бой бўлган муҳитда етиштирилади. Масалан, тупроқда ўсимлик ўсиб ривожаланиши давомида тўғридан тўғри контактда бўладиган сон саноқсиз микрофлоралар мавжуд. Сув, шамол, ҳайвонлар ва бошқа манбалар микрофлораларнинг янада кўпайишига сабаб бўлади. Шунингдек, ўсимликлар микроорганизмларнинг заарсиз ва табиий кўпайишлари учун қулай шароит ҳисобланади. Шунингдек, инсон организми учун хавфли бўлган патоген микроорганизмлар маҳсулотга тушиб, уларни заарлаши мумкин

Дунёнинг қўп минтақаларида ифлосланган озиқ овқат хом ашёлари – инфекция ўчоқларининг пайдо бўлишининг тан олинган сабаби ҳисобланади. Бу тенденцияга барра ҳолатда истеъмол қилинадиган маҳсулотларга талабнинг ошиб бориши ҳам киритилади.

Мева-сабзавотларнинг микробиологик ифлосланиши сабаблари қуйидагича:

- Улар қўпинча барра (ишлов берилмаган) ҳолатда истеъмол қилинади;
- Ишлаб чиқариш ва қадоқлаш жараёнида санитария ва гигиена қоидаларига риоя қиласлик
- Касалланган инсон ёки ҳайвон билан контакт содир бўлиши;
- Истеъмолдан олдин ишлов бермаслик ва х.к.

Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар

- сув
- ҳайвонлар, қушлар, чанг
- органик ўғитлар (гүнг)
- шахсий гегиена
- асбоб ва жиҳозлар

Сув етиширилаётган маҳсулот сифатига тўғридан тўғри таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки сув экин етиштиришда энг кўп қўлланиладиган, ва аксарият ҳолларда ҳосил билан тўғридан - тўғри контактда бўладиган ресурс ҳисобланади. Сертификатлаштириш жараёнида сувга алоҳида эътибор қаратилади ва бир неча усувларда таркиби таҳлил қилинади. Сув сифати асосан ISO 17025 стандарти бўйича аккредитланган ёки эквивалент стандарт бўйича микробиологик таҳлил қилиш имкони бўлган ёки сувни таҳлил қилиш бўйича фаолият олиб борувчи маҳаллий лабораторияларда текширилади.



Далада ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар ва чангни бўлиши олинган ҳосил сифатига бевосита таъсир қилувчи омиллардир. Худудда ифлосланишнинг олдини олишга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилади, масалан:

- ✓ Далага яқин худуддаги ҳайвонлар;
- ✓ Экин майдонида ёввойи жониворлар зичлиги;
- ✓ Кемирувчилар;
- ✓ Уй ҳайвонлари (чорва, ит, мушук ва ҳ.к.) каби омилларни хисобга олиш зарур хисобланади.



Зарурат нуқтаи назаридан буфер худудлар аниқланади, тўсиқ ва панжаралар ўрнатилади.

Вегетация жараёни тугагандан сўнг асосан 4 та тадбир амалга оширилади:

- ❖ Ҳосилни йиғиш;
- ❖ Ҳосилни йиғиш жойида ишлов бериш (далада);
- ❖ Қайта ишлаш корхонасида ишлов бериш;
- ❖ Совутиш ва сақлаш

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар барча хўжаликларда тўлиқ амалга оширилмаса-да, санитария талаблари мос ҳолда ишларни ташкил этиш,

жихозлар билан таъминланиши ва инфраструктураси хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти етиштиришга қаратилган бўлади.



Ҳосилни йиғишириб олингандан кейин ишлов беришда гигиеник талаблар тўлиқ амал қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чекиш, озиқ овқат ва ичимликлар истеъмол қилиш, сақич чайнаш каби ишлар маҳсус ажратилган жойларда амалга ошилиши шарт. Бу жараёнлар маҳсулотга ишлов бериш ва сақлаш жойларида бажарилиши қатъяян таъқиқланади.

Маҳсулотни йиғишириш давомида тўғридан тўғри тегиниб ишлайдиган ишчиларга қўл ювиш учун шароит (жихоз) яратилган бўлиши шарт.

Ишчилар:

- ✓ Иш бошланишидан олдин;
- ✓ Ҳар гал ҳожатхонага боргандан сўнг;
- ✓ Дастрўмол ёки салфетка ишлатгандан сўнг;
- ✓ Ифлос материал билан ишлагандан сўнг;
- ✓ Чекиши, овқатланиш ва бошқа нарсаларни истеъмол қилгандан сўнг;
- ✓ Танаффусдан кейин иш жойига қайтганда;
- ✓ Шунингдек, қўл ифлосланиш манбаига айланиб қолган исталган вақтда қўл ювишлари шарт.



Шу билан бирга маҳсулотни ювиш жараёнида ҳам яроқли бўлган тоза сувдан фойдаланиш талаб этилади.

5. ЎЗБЕКИСТОНДА GLOBALG.A.P. СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

GlobalG.A.P. стандартини жорий қилиш қўйидаги босқичларидан иборат:

- Махсулот этиштирувчи хўжаликнинг холати таҳлили. GlobalG.A.P. талабларига мувофиқликка дастлабки аудит ўтказиш.
- GlobalG.A.P. стандарти талабларига мувофиқ дастлабки аудитни ўтказиш.
- Хўжалик ишчиларини GlobalG.A.P. талаблари билан таништириш учун “Таништирув” ўқув семинарини ўтказиш. GlobalG.A.P.ни жорий қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш.
- Стандарт талабларига мувофиқ зарур хужжатлар тизимини жорий қилиш.
- Етиштириш жараёнида юз бериши мумкин бўлган хавфни ҳамда уларни юзага келишини олдини олувчи (гигиеник, экологик, кимёвий, биологик, физиковий ва х.к) усулларни аниқлаш ва баҳолаш.
- Етиштиришнинг барча жабҳаларидаги зарур агротехник тадбирлар босқичларини рўйхатга олиш тизимларини жорий қилиш.
- Фермер хўжалик худудида GlobalG.A.P. талабларига мувофиқ сифат тизимини жорий қилиш ишларини ташкиллаштиришда маслаҳат хизматларини кўрсатиш.
- GlobalG.A.P. талабларига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, экологик хавфсизлик ва ишлаб чиқаришда санитария меъёр қоидаларини жорий қилишда маслаҳатлар бериш.
- Идентификатлаштириш ва кузатиш тизимини ишлаб чиқиш, маҳсулотга берилган баҳо бўйича процедураларни жорий қилиш.
- GlobalG.A.P. талабларига мувофиқ ички аудит ўтказиш.

- GlobalG.A.P. бўйича Сертификатлаштириш идорасига ариза бериш, мустақил сертификатлаштириш идораси томонидан сертификатлаштириш аудити ўтказиш даврида маслаҳат кўрсатиши.

Барча босқичларда ходимлар ўқитилади.

Махсулот сифати ва хавфсизлигини назорат қилишнинг муқаддам қабул қилинган тизими етарли даражада самара бермаганлиги сабабли тайёр маҳсулотга эмас балки, маҳсулот етиштириш технологиясини сертификатлаштиришнинг тан олинган янги GlobalG.A.P. сертификатлаштириш тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим маҳсулотларда зарарли кимёвий моддалар йиғилиши хамда уларни микробиологик ва механик ифлосланишдан химоялаш шароитларини яратади.

GlobalG.A.P. сертификати - аниқ бир қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш даврида сифат ва хавфсизик бўйича ўрнатилган барча талаб ва тавсияларни тўлиқ бажарилганлиги кафолати ҳисобланади.

GlobalG.A.P. сертификатлаштириш тизимининг маҳсулот етиштирувчига берадиган устунликлари

1. Тизими ёндошии. Процедура ва жараёнларни аниқ идентификатлаш ҳар қандай турдаги бизнесга ижобий таъсир кўрсатади. Етиштирувчи хўжаликни бошқаришнинг барча нуқтаи назарлар йиғиндиси ва комплекс тушунчаларсиз самарали бошқариб бўлмайди.

2. Буюртмачининг ишончи. Маҳсулот буюртмачисининг (қайта ишлаш, улгурчи ва чакана савдо корхоналари) сотиб олаётган маҳсулоти сифати ва хавфсизлигига бўлган ишончи узоқ муддатли хамкорлик йўлидир.

3. Истеъмолчининг ишончи. Истеъмолчининг маҳсулот сифати ва хавфсизлигига бўлган ишончи чакана савдо корхоналари билан бир қаторда ушбу йўналишдаги бозор секторининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

4.Хавф-хатарни бошқариши. Махсулотнинг заарланиш/ифлосланиш эҳтимолини камайтирган ҳолда, атроф муҳитни, маҳсулот етиштиришдаги санитария гигиенасини яхшилашга ёрдам беради.

5.Раҳбариятнинг жавобгарлиги. Хавфсиз маҳсулотни етиштириш ва етказиб беришга қулай шарт шароитлар яратилишини таъминлайди.

6.Ўзаро алоқалар самарадорлиги. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизими, озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоғидаги корхоналар, назорат қилувчи ва буюртмачиларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтиришга имкон беради.

7.Рўйхатга олиши. Рўйхатга олиш тизими маҳсулот етиштириш жараёни устидан назорат қилиш самарадорлигини ошириб, назорат органи билан алоқаларни енгиллаштиради.

8.Қонунчилик томондан ҳимояланиши. Кўпчилик жаҳон давлатларда GlobalGAP тизими озиқ-овқат тармоқларида ишлаб чиқаришни бошқариш ва хавфсиз маҳсулотни етказиб беришнинг самарали қуроли ҳисобланади.

9.Сифат менежментининг барча тизимларига мослиги. GlobalG.A.P. тизими сифат менежменти тизимлари билан мослиги: Масалан, BRC, IFS, ISO 9001:2014 стандарти тизимлари билан мос ва миллий қонунчиликка зид эмас.

11. Савдоғағи фойда. GlobalG.A.P. тизими бўйича маҳсулотга олинган сертификат ички ва ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашда рақобатлашаётган компанияларга устунлик беради.

Халқаро амалиёт тажрибаси GlobalG.A.P. сертификатлаштириш тизимиға ўтишни афзалликларини тасдиқлаб, озиқ-овқат хавфсизлигининг ишончли даражада ошгани ҳамда маҳсулот соҳталаштирилиши хавфи пасайишини кўрсатди, шунингдек мувофиқликни тасдиқлаш жараёнига йўналтирилган сарф харажатларнинг камайиши таъминланади.

Ушбу тизим халқаро ҳамжамиятда сифатни таъминловчи ягона умумлашган тизимни киритишга, маҳсулотнинг бутун ҳаракатланиш йўлини қамраб олишни таъминлашга, кўп марта такрорланувчи сифат аудитини олдини олишга, соҳталаштириш имкониятини йўқ қилишга ва

истеъмолчиларнинг ўсиб борувчи талабларини қондириш даражасини оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига етиштириш давридаги турли хил салбий омилларни таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда дунёнинг 120 дан ортиқ давлатларида GlobalGAP стандарти қўлланиб келинмоқда. Ушбу давлатларнинг аксариятида мазкур стандартни жорий қилиш бўйича миллий техник ишчи гурух тузилиб, GlobalG.A.P. асосидаги миллий стандартлар қабул қилинган. Масалан, ChileG.A.P. – Чили миллий стандарти, AMAG.A.P. - Австралия миллий стандарти, QS-GAP – Германия миллий стандарти, New Zealand - Янги Зелландия миллий стандарти, JG.A.P. - Япония миллий стандарти, CHINAG.A.P. – Хитой миллий стандарти ва бошқалар.

Ҳозирги пайтда республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш даврида агротехник тадбирларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро даражада тан олинган ёки уйғунлаштирилган меъёрий хужжатлар мавжуд эмас.

Бу ҳолат халқаро (Европа) бозорларда истеъмолчилар томонидан GlobalG.A.P. сертификати талаб этилаётган даврда, ушбу стандарт республикамиз фермер хўжаликларининг эътиборидан четда қолиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни халқаро бозорларда ўз ўрнига эга бўлишда тўсиқларни юзага келтириши мумкин.

Ҳозирги вактда Юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек саводдаги техник тўсиқларни бартараф этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Демак, республикамиз қишлоқ хўжалигига етиштирилаётган маҳсулотларининг халқаро бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг GlobalG.A.P. тизими бўйича сертификатлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда GlobalG.A.P. стандартини жорий қилиш ва уни асосида маҳсулотларни сертификатлаш жараёнлари ва экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини халқаро талабларга мувофиқ самарали назорат қилиш масалаларини ҳал этишда бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Масалан, халқаро талабларга жавоб берадиган синов марказлари ва лабораториялар етишмаслиги, GlobalG.A.P. стандарти бўйича сертификатлаштириш идорасини йўқлиги ва малакали мутахассисларни етишмаслиги ва бошқалар.

Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифатини янада ошириш ҳамда уни экспорт қилиш имкониятларини ривожлантириш мақсадида шунингдек, юқорида келтирилган мавжуд қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда жадвалда келтирилган чора-тадбирлар режасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. [www.globalgap.org.](http://www.globalgap.org)



Мазкур қўлланма АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Махсулот мазмуни бўйича масъулият муаллифларга юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.